

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КАВИЛОВА ДИЛЁРАХОН АБДУЖАББОР ҚИЗИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА
МУСИҚИЙ-ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD)**

Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Кавилова Дилёрахон Абдужаббор қизи Олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш.....	3
Кавилова Дилёрахон Абдужаббор қизи Развитие музыкально-творческих способностей у студентов высших учебных заведений.....	20
Kavilova Dilyorakhon Abdujabbor kyzy Development of musical and creative abilities in the students of higher educational institutions.....	37
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	41

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КАВИЛОВА ДИЛЁРАХОН АБДУЖАББОР ҚИЗИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА
МУСИҚИЙ-ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped2070 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси – www.tdpu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали – www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Княмов Нишон Садиқович
педагогика фанлари доктори


Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32.)
Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ кuni тарқатилди.

(2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

**М.Э.Хайдаров**
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф

Р.Г.Исянов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, п.ф.д., проф

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ёш авлодга муסיқий тарбия беришнинг креатив технологиялари таълим жараёнига тадбиқ этилмоқда. Жумладан, Франция муסיқа таълими тизимида “Мартено” методи, Венгрияда “Тоник-соль-фа” методи, Италияда “Educazione musicale” методларини таълим жараёнига тадбиқ этиш, Замонавий муסיқа халқаро жамияти – ISCM (International Society for Contemporary Music) Халқаро ташкилоти муסיқанинг барча йўналишлари бўйича тажриба алмашиш, композиторлар, амалиётчи-педагоглар, муסיқа соҳаси мутахассислари янги асарларини тақдим этиш, муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда¹.

Жаҳонда таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида импрессионизм, неоклассицизм даврларининг назарий меъросини ўрганиш, талабаларнинг муסיқий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш, инсонни юксакликка кўтаришга хизмат қилувчи муסיқий асарларни яратиш ва бадиий маҳорат билан ижро этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Германияда “Ялси” назарияси, Венгрияда “Тоник-соль-фа” назарияси, Англияда “Релятив”, Россияда “Муסיқа” назарияси бўйича ўқитишда талабаларнинг муסיқий-ижодий қобилиятларини санъатни ижодий акс эттириш асосида ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида муסיқа соҳасида мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни жорий этиш, “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” Республика кўшиқлар танлови, “Ботир Зокиров номидаги замонавий эстрада” кўшиқчилар танлови, “Ёш мақомчилар” танлови, “Ёшлар овози” танлови, “Ёш ижрочилар” танлови, “Санъатим сенга, обод юртим!” ижодий кўрик-танлови, “Халқ чолғулари ижрочилари” кўрик-танлови, “Ёшлик баҳори” республика ёш опера ижрочилари ва муסיқа фестивали, “Хор фестивали”ни республика миқёсида ўтказишнинг меъёрий асослари, моддий техника базаси яратилмоқда. “Ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш”² устувор вазифалар этиб белгиланган. Натижада ёшларнинг муסיқа санъатига қизиқишини ошириш, замоннинг шиддатли ўзгариши жараёнида “Шарқ тароналари”, “Халқаро камер ва симфоник муסיқа”, “Наврўз садолари”, “Халқаро жаз фестивали”, “Open Asia”, “Тошкент баҳори”, “Бойсун баҳори”, “Баҳор нафаси”, “Дунё садолари”, “Нурли наволар”,

¹ ISCM (International Society for Contemporary Music). Stifgasse 29, 1070 Vienna., Austria. info@iscm.org.

² “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон фармони. 2017 йил 7 февраль. – Т.,2017.

“Халқаро бахшичилик санъати” фестивалларининг оффлайн ва онлайн тарзда ўтказилиши имкониятлари кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси”, 2019 йил 20 мартдаги “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус”, 2021 йил 27 декабрдаги ПҚ-64-сон “Опера ва балет санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 2 февралдаги ПҚ-112-сон “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари, 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада олий таълим муассасалари талабаларини касбга тайёрлаш, уларда муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш, ижодкорлик сифатлари ва кўникмаларини шакллантириш масалалари Р.Абдуллаев, Н.Бахритдинова, А.Васильева, Ш.Ёрматов, О.Иброхимов, С.Исраилова, Н.Киямов, С.Маликова, Қ.Маъмиров, Б.Матякубов, И.Матякубов, О.Матякубов, Қ.Мирзаев, А.Назаров, Е.Нечаев, А.Тригулова, А.Хакимова, Н.Шарафиева, Г.Шарипова, Б.Шомахмудова, Р.Юнусов, Г.Қодиров, Р.Қодиров, А.Ҳошимовлар томонидан тадқиқ этилган.

МДҲ давлатларида Л.Андреева, А.Анисимов, Ш.Апраксина, Б.Асафьев, М.Балакирев, Л.Бартерев, Л.Безбородова, В.Белабардова, Т.Беркман, Т.Богданова, Ю.Борев, Б.Васильев, К.Виноградов, Л.Горгонова, И.Держенская, Л.Дмитриев, А.Егоров, Д.Кабалевский, А.Камарова, В.Каниковский, В.Карктечан, С.Каруева, Н.Кирилова, М.Климов, М.Коган, Н.Лайзеров, А.Лосев, В.Морозов, А.Никольский, К.Пигров, В.Соколов, А.Сохор, Б.Теплов, П.Чесноков, Р.Юссон, А.Яковлев каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Хорижлик олимлардан Ch.Alwes, Z.Codaly, N.Cox, J.Curwen, E.Dalcroze, N.Jorgensen, R.Myunnix, K.Orf, R.Robinson, T.Sudzuki, D.Trott, P.Van Xauve, L.Wyatt, J.Watsonлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларда мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш жараёнининг педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

талабаларнинг мусиқий-ижодий қобилиятларини интеграллашган субъект-субъект муносабатлари узвийлигини аниқлаш асосида такомиллаштириш;

талабаларда мусиқий-ижодий қобилиятларини вокал техникасини эгаллашнинг индивидуал таълим траекториясини қўллаш асосида ривожлантириш;

талабаларда мусиқий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш моделини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш жараёни бўлиб, Жиззах давлат педагогика институти, Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институтларидаги “Мусиқа таълими” йўналишининг 312 нафар талабаси иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг шакл, методлари, воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Талабаларда мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришда илғор педагогик тажрибалар, коллоквиум, академик имтиҳон, қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, интервью, тест, педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг мусиқий-ижодий қобилиятлари субъект-субъект муносабатлар диагностикасининг, жўрнавоз билан мусиқий-ижодий фаолият самарадорлигининг, ўзаро қайта алоқага киришиш барқарорлигининг юқори даражаси доимийлигини таъминлашнинг праксеологик узвийлигини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

талабалар мусиқий-ижодий қобилиятларининг мустақил таълим жараёнида сингдирилган рефлексив механизмлари чолғу ижрочилиги вокал техникасини эгаллашнинг индивидуал таълим траекториясини ва фаол мусиқий терапияни барқарор қўллаш орқали ривожлантирилган;

талабаларда муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш модели креатив тенденциялар сифатларини педагогик муҳит ва индивидуал-психологик хусусиятларига рефлексив мослаштириш ҳамда уларнинг ижодкорлик даражасининг диагностик стратегияси коллобративлигини рефлексив таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда хор аранжировкаси, композиция малакаларининг самарадорлиги халқчиллик тамойилини қайта алоқага киришиш даражасининг субъектив таъсирчанлигини иерархик тартибда жойлаштирилган диагностик ўқув мақсадларини киритиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларда муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришда муסיқий тўғарақларни ташкил этиш бўйича асарлар дастурини шакллантиришнинг мазмуни аниқланган, шакл, метод ва воситалари ишлаб чиқилган;

талабаларда муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган “Тўзал юрт мадҳияси” номли ўқув-услубий қўлланмаси чоп этилган;

талабаларда муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришда тадқиқотчининг муаллифлик асарлари сифатида “Маслаҳат”, “Лапар”, “Рубой”, хор аранжировкаси бўйича “Кўчалар”, “Ўрик гуллаганда”, “Ўзбекистоним менинг”, “Ўзбекистон” номли муסיқий асарлар миллийлик руҳида қайта ишланган ва электрон таълим ресурслари яратилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ёндашувлар, методларнинг республикамиз ва хорижда яратилган педагогика, махсус педагогикага оид илмий ва илмий-методик тадқиқотларга, амалиётчи-педагогларнинг тажрибасига, давлат тадбирлари, олий таълимлар ўртасида республика кўрик танловлари, синф концертлари, яқка концертларга, академик ва техник имтихонларга асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларда муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришда фан ичидаги ва фанлараро интеграция тамойилларини шахсга йўналганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабаларнинг муסיқий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришда электрон методик тизим, мультимедияли электрон таълим ресурслари ҳамда баҳолаш тузилмасидан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасалари талабаларида муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлари асосида:

талабаларнинг мусиқий-ижодий қобилиятлари субъект-субъект муносабатлар диагностикаси, жўрнавот билан мусиқий-ижодий фаолият самарадорлиги, ўзаро қайта алоқага киришиш барқарорлиги юқори даражаси доимийлигини таъминлашнинг праксеологик узвийлигини аниқлаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 6 октябрдаги 02-07-2773/04-сон далолатномаси). Натижада, талабаларда мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш жараёнининг педагогик имкониятларини таҳлил этиш имконияти оширилган;

талабалар мусиқий-ижодий қобилиятларининг мустақил таълим жараёнида сингдирилган рефлексив механизмлари чолғу ижрочилиги вокал техникасини эгаллашнинг индивидуал таълим траекториясини ва фаол мусиқий терапияни барқарор қўллаш асосида ривожлантиришга оид таклифлар асосида “Маслаҳат”, “Лапар”, “Рубойи” номли муаллифлик асарлари, хор учун мослаштирилган “Ўзбекистоним менинг”, “Ўзбекистон”, “Ўрик гуллаганда” асарлари яратилган (Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг 2021 йил 30 июлдаги 01-05/14-157-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда мусиқий-ижодий қобилиятларнинг интеграллашган субъект-субъект муносабатлари орқали индивидуал ривожлантиришга эришилган;

талабаларда мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш модели креатив тенденциялар сифатларини педагогик муҳит ва индивидуал-психологик хусусиятларига рефлексив мослаштириш ҳамда уларнинг ижодкорлик даражасининг диагностик стратегияси коллобративлигини рефлексив таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 6 октябрдаги 02-07-2773/04-сон далолатномаси). Натижада, талабаларда мусиқий-ижодий қобилиятлари мусиқий тўғаракларни ташкил этишда экспериментал таққослаш ва унинг самарадорлигини аниқлаш имконияти яратилган;

талабаларда хор аранжировкаси, композиция малакаларининг баҳолаш самарадорлиги халқчиллик тамойилини қайта алоқага киришиш даражасининг субъектив таъсирчанлигини иерархик тартибда жойлаштирилган диагностик ўқув мақсадлари асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 6 октябрдаги 02-07-2773/04-сонли далолатномаси). Натижада, талабаларда мусиқий-ижодий қобилиятлар, бадиий-эстетик дидини ривожлантиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 2 та Республика илмий журналларида ва илмий конференцияларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация мавзуси бўйича 13 та, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та, 3 таси республикада ва 1 таси хорижий журналда нашр эттирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари белгиланган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти далиллар ёрдамида кўрсатиб берилган, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, “муסיқа”, “ижод”, “муסיқий қобилият” ва “ижодий қобилият” тушунчаларининг талқини, олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик, психологик имкониятлари, тараққиёти ва ҳозирги ҳолати ҳамда амалий фанларни ўқитишда талабаларга кўйиладиган индивидуал талаблар ёритилган.

Юнон файласуфи Платон: “Давлатнинг куч-қудрати – унда қандай муסיқа, қайси оҳанг ва қай ритмда янграётганлигига тўғридан-тўғри боғлиқдир”, – деб ҳисоблаган. Платон ва унинг издошлари: “Давлат учун инсонни юксакликка кўтаришга ёрдам берувчи муסיқа керак”, – деб ҳисоблаганлар. Қадимги Хитойда муסיқа – тартиб ва цивилизация рамзи бўлиб, у тарбиянинг энг муҳим воситаси ҳисобланган. Аристотель “Бир ладдаги муסיқа кишини мулойим ва раҳмдил қилиб қўяди, бошқа бири эса, ҳаяжонланиш ва асабийлашишга олиб келиши мумкин”, – дея мулоҳаза билдирган. Унинг фикрича, бир хил муסיқа инсонга ҳузур-ҳаловат бахш этади, иккинчи хили эса эҳтиросларни кўзгаб, жўшқин қилади ва ниҳоят, учинчи хил муסיқа борки, ўйга толдиради, фикрлашга, тафаккур қилишга мажбур этади.

Абу Наср Фаробийнинг таърифига кўра “Ижод – билиш жараёнида шундай улуғ фазилатки, инсон уни эгаллаши учун бошқа ҳамма фазилатларини ишга солиши керак”. Аристотель ўзининг “Поэтика” асарида бадий ижоднинг меъёрий қонунларини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилади. Аристотель санъатнинг борлиқдаги имкониятини фаол, ижодий, юксак бадий маҳорат билан ифодалашда кўради. Унинг фикрича, “Санъатнинг вазифаси воқеъликни механистик тарзда қайта тикламай, балки уни ижодий акс эттиришдан иборат”.

Л.А.Гревцованинг тадқиқотида “Ижодий жараён барча ботиний кучлар олий даражада жамланган лаҳзада вужудга келадиган ногаҳоний “башорат” тарзида англанади. Шунинг учун ҳам Юнон файласуфи Платон ижоднинг асл манбаини билимда эмас, илҳомда деб ҳисоблайди. Худо инсонни яратиб, унинг ўзига ўхшашини истаса, инсон ҳам ўз ижод маҳсулининг ўзига ўхшаш бўлишини хоҳлайди”, – деб таъкидланган.

Б.М.Тепловнинг фикрича, қобилият фақат ривожланишда бўлади. В.Петрушиннинг фикрича, мусиқий идрокни шакллантириш бевосита мусиқий эшитиш қобилиятини шакллантиришга боғлиқ экан. Л.Бурбонинг “Эмоции, чувства и прощение” китобида “Ижодий қобилият инсонларга керакли бўлган қандайдир янгиликни очиш ёки яратиш демакдир. Илоҳий неъмат эса қобилият, истеъдод, даҳоликни тасодифан юзага келтирувчи трансцендентал ҳодиса, илоҳий неъмат, яъни бу – “Худо берган” тухфадир, – деб таърифланади. Ўзбекистон психолог олимларидан У.А.Умурзаков қобилиятларни ривожлантириш йўллари куйидагича белгилаб берган: актив фаолиятга жалб этиш; хулқнинг яхши томонларини шакллантириш ва жадаллаштириш; қобилиятларни тўғри ва адолатли баҳолаш; индивидуал ҳолатларни эътиборга олиш; шахсни ҳар томонлама ривожлантириш.

Диссертацияда олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш бўйича фикр-мулоҳазалар ва манбаалари жуда муҳим аҳамиятга эгаллиги ҳамда мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик, психологик имкониятлари, тўсқинлик қилувчи омиллар (индивидуаллик ва ижодий характернинг етарлича эмаслиги, ўқитувчи касбининг ёшлар орасида етарлича эътибор топмаётгалиги), компонентлар (эстетик ва ахлоқий ҳис, образли фикрлаш, нафас равонлиги, мусиқий эшитиш, ритм, усул, актив фаолият, оҳангни эшитиш, нутқ равонлиги, хонандаликка хос унсурлар, дикция) ва мезонларни аниқлаш зарурлиги таъкидланган. Мусиқий-ижодий қобилиятлар компонентларининг ривожланмаётганлигининг асосий сабаблари – чолғу ижрочилиги бўйича моҳир созанда бўлмагани, вокал ва замонавий мусиқа, дирижёрлик, мусиқий- назарий, педагогик билимларни пухта эгалламаганлиги, дарс жараёнида ахборот ва илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланишнинг таълимий асосларини ўзлаштирмаганлиги, ўта сезгир ва адолатли эмаслиги, яхши оратор бўлмаганлиги, чуқур билимга эга эмаслиги, ижодий-композицион фикрлай оладиган инсон бўлмаганлигидир. Негаки, мусиқа инсонни нафақат сеҳрлаб кўйиши ёки даволаши, балки ижод этишда, замонавийлик руҳида таълим олишда, янги мусиқий асарлар яратишда илҳом беради.

Тадқиқотда олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришда уларнинг мусиқий билим ва малакаларини, эркинлик, ностандарт тафаккур, импровизация, интеллектуал салоҳият, иродавий сифатлар, мулоқотга киришувчанлик, рефлексиянинг ривожланганлик даражаси каби сифатларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланган. Замонавий дунёда интеграция тушунчаси жуда кенг қўлланилиб келинмоқда. Интеграция лотинчадан “интеграцио” – тиклаш, тўлдириш; “тамсайи” – тўлиқ деган маъноларни англатади. Интеграция бир бутунга, ҳар қандай элементларнинг бирлигига бирлашиш, қандайдир

бирликни тиклаш демакдир. Интеграция фанлараро алоқаларни амалга оширишда энг юқори босқич ҳисобланади. Унинг функциялари талабаларда билимларнинг тизимли характери шакллантириш, тизимли фикрлаш, уларнинг билимлари ва фаолият услубларини (яқин, ўрта, узоқ) узатиш ва мусиқий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ёшларда дунёнинг илмий расмини шакллантиришдан иборат. Бизнинг тадқиқотимизда вертикал интеграция муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у материални бирлаштиришнинг умумий усули, яъни тармоқлараро интеграция туридир (1-жадвал):

1-жадвал

Талабаларнинг мусиқий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришда умумқасбий ва ихтисослик фанларининг интегртив мазмуни

Талабаларда мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришда умумқасбий ва ихтисослик фанларининг интегртив мазмуни		
↓	↓	↓
Музыка назарияси	Овоз постановкаси	Чолғу ижрочилиги ва ансамбли
↓	↓	↓
Музыка тарихи	Овоз аппарати	Чолғу ижрочилиги
↓	↓	↓
Сольфеджио	Нафас олиш малакалари	Мануал аппликатура
↓	↓	↓
Гармония	Овоз тембри	Асар мазмуни ва бадиийлиги
↓	↓	↓
Полифония	Овоз диапазони	Музикаий асар таҳлили ва ижро
↓	↓	↓
Аранжировка	Вокализация	Техник машқ
↓	↓	↓
Композиция	Ижрочилик	Виртуоз ижро

Фақатгина шундай яхлит фаолият натижасида талабалар мусиқа таълими якунида мусиқий идрок, мусиқий онг, ижро этиш кўникмаси ва соз чалиш каби кўникмаларига эга бўлиши, шунингдек, мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириши талабаларини аниқ англаб етишлари керак. Натижада, олий таълим муассасалари талабаларининг мусиқий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришда праксеологик (амалий, рационал, самарадор) узвийлиги мотивацион, мақсадли, операционал, функционал, назорат, баҳолаш компонентлари тизимли интеграцияси орқали ривожлантирилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Олий таълим муассасалари талабаларида мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш тизими”** деб номланиб, тадқиқот доирасида амалга оширилган кузатишлар шуни кўрсатдики, талабаларда мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш масаласи бугунги кунда педагог кадрлар тайёрлаш тизимининг долзарб муаммоларидан бири сифатида ўрганилаётган бўлса-да, амалдаги мавжуд ҳолат ва методик база талаб даражасида ташкиллаштирилмаган.


Венгрияда З.Кодайнинг “Сольфеджио, мусиқа укувини ривожлантириш”, Чехияда Л.Даниэл ва Ф.Лисекнинг “Таянч кўшиқлар асосида сольфеджио”, Болгарияда Б.Тричковнинг “Сольфеджио”, Германияда К.Орфнинг “Мусиқали ижод, метроритмик укувини ривожлантириш”, Швейцарияда Ж.Жак-Далькрознинг “Мусиқали ижод”, Японияда Т.Судзукининг “Скрипка ижрочилигида ўргатиш орқали мусиқий малакаларни ривожлантириш”, Англияда Дж.Кервеннинг “Тоник-соль-фа тизими, сольфеджио”, Голландияда П.Ван Хаувенинг “Мусиқали ижод”, Россияда Д.Кабалевскийнинг “Мусиқа асарларини идрок этиш тажрибасини ривожлантириш” ва Н.Ветлугинанинг “Россия болалар ривожлантиришининг яхлит тизими” ҳамда В.Багадуровнинг “Ижрочилик малакаларини ривожлантириш” методикалари асосида ёш авлоднинг мусиқий-ижодий қобилиятлари ривожлантирилган.

Ана шундай методик базани яратиш, таълим-тарбия жараёнида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, талабаларда мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш, билим ва кўникмаларни шакллантириш, ўз тажрибаларини ижодий нуқтаи назардан янада мустақамлаш, реал ҳақиқий амалиётдаги шароитда синаш ва амалий кўникмаларни янги билимлар билан янада бойитиш мақсадида янги метод, технологиялар ва дидактик ўйинлардан самарали фойдаланилди.

Мусиқа саводини мукамал ўзлаштиришда айнан мутахассислик фанлари талабаларда мусиқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Айнан шу фанларни мустақил таълим жараёнида мустақил равишда ўзлаштиришда “iWrite Music”, “Hexpress musical instrument”, “Note Rush: Learn to read music” мобил телефон иловалари орқали белгиланган методлардан интенсив фойдаланиш жараёнида ўз хатолари устида ишлашни ўрганади, “интонация” ва “артикуляция” қобилиятларини ривожлантириш мумкин. Талабаларда мусиқий-ижодий қобилиятлар “Виртуоз ижрочи” (мусиқий пантомима) методи, “Ўзингиз топинг” усули, “Мусиқий лото”, “Автофония”,

“Муסיкий галактика”, “Бельканто”, “Гармония” каби технологиялар орқали ривожлантирилади.

Юқорида қайд этилган талабларни амалга ошириш ва талабаларнинг муסיкий билиш фаолиятини ижодий ривожлантириш, соғлом психологик муҳитни яратиш мақсадида тадқиқот амалиётида қўлланилган метод ва технологиялар, талабаларда муסיкий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришга хизмат қиладиган дидактик ўйинлар ишлаб чиқилган (1-расм):



1-расм. Олий таълим муассасалари талабаларида муסיкий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш модели

Диссертациянинг “Педагогик тажриба-синов ишларининг самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида олий таълим муассасалари талабаларида муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш бўйича педагогик тажриба-синов ишларининг мазмуни, моҳияти, ўрганилаётган муаммонинг амалиётдаги ҳолати, ушбу соҳада учраётган камчиликлар ва уларнинг сабаблари, шу асосида зарур илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Интерфаол ўқитиш жараёнида талабаларда муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг амалий жиҳатларини ёритишга хизмат қиладиган тажриба-синов ишлари давомида респондент-талабалар ўртасида комплекс методика асосида уларда муסיқий-ижодий қобилиятларини шаклланганлик даражаси ва мазкур қобилиятларни ривожлантириш имкониятларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Шу мақсадда биз кузатиш, анкета, сўровнома, суҳбат, интервью, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини таҳлил этиш, фаолият натижасини баҳолаш, педагогик топшириқлар бериш методларидан фойдаландик.

Олий таълим муассасалари талабаларида муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш юзасидан тадқиқот объектлари сифатида Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти ва Қўқон давлат педагогика институти танлаб олинди (2-жадвал):

2-жадвал

Педагогик тажриба-синов ишларида иштирок этган талабалар сони

№	Олий таълим муассасалари	Сони	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
1	Тошкент давлат педагогика университети	106	54	52
2	Жиззах давлат педагогика институти	106	53	53
3	Қўқон давлат педагогика институти	102	50	52
4	Барча таълим муассасалари бўйича	312	155	157

Ушбу танлаб олинган объектларнинг талабалари билан тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Тадқиқот муаммосининг муҳим жиҳатларидан бири талабаларда муסיқий-ижодий қобилиятларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш мақсадида уларнинг эътиборига иккинчи турдаги педагогик топшириқларни ҳавола этиш ва натижаларни таҳлил қилишдан иборат бўлди.

Бизнинг фикримизча, бундай ҳолатнинг келиб чиқиши олий таълим муассасаларида касбий тайёргарлик жараёнида талабалар фаолият “субъекти” сифатида намоён бўлмаётганликлари, талабаларда муסיқий-ижодий

қобилиятларни ривожлантириш ҳам аниқ талаблар асосида йўлга қўйиламаётганлигидан далолат беради (3-жадвал):

3-жадвал

Талабаларнинг анкета саволларига берган жавоблари

ОТМ	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
	Ижобий	қониқарли	салбий	ижобий	қониқарли	салбий
ЖДПИ	7	16	29	7	17	29
ТДПУ	6	18	29	7	18	28
ҚДПИ	7	17	26	7	19	27
Барча таълим муассасалари	20	51	84	20	53	84

Шу билан бир қаторда, уларда касбий фаолиятга психологик тайёргарлик, педагогик жараёнга ижодий ёндашув соҳасидаги зарур билим, кўникма ва малакаларнинг ҳам етарлича шаклланмаганлиги муסיқий-ижодий қобилиятларнинг ривожланишига тўсиқ бўлади (4-жадвал):

4-жадвал

Респондент ўқитувчиларнинг сўровнома саволларига берган жавоблари

Саволлар тартиби	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
	ижобий	қониқарли	салбий	ижобий	қониқарли	салбий
эркинлик	61	89	5	23	61	73
ностандарт тафаккур	56	93	6	23	66	68
импровизация	57	93	5	23	66	68
интеллектуал салоҳият	57	92	6	23	70	64
иродавий сифатлар	58	92	5	24	65	68
мулоқотга киришувчанлик	57	92	6	23	65	69
рефлексиянинг ривожланганлик даражаси	55	95	5	22	62	73
жами	401	646	38	161	455	483

Сўров натижалари асосида чиқарилган хулосаларга таяниб, талабаларда муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш мақсадида яратилган ижодий, эркин таълим муҳити етакчи омил сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Қиёсий таҳлилни ва тажриба-синов ишларида олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини исботлаш мақсадида математик статистик усуллар орқали статистик таҳлил қилинди. Статистик таҳлилни амалга оширишда Пирсоннинг мувофиқлик критерияси (хи квадрат усули)дан фойдаланилди (5-жадвал):

Олинган натижаларнинг статистик ҳисоби

Саволлар тартиби	Хи квадрат	Ўртача қиймат		Самарадорлик	танланма диспер		вариация		ишонч четланиш		Ишонч оралиғи				Хулоса
		Т/Г	Н/Г		Т/Г	Н/Г	Т/Г	Н/Г	Т/Г	Н/Г	т/г		н/г		
1	46,58	4,17	3,67	1,14	0,40	0,53	0,15	0,20	0,05	0,07	4,11	4,22	3,60	3,74	H ₁
2	44,21	4,21	3,70	1,14	0,40	0,51	0,15	0,19	0,05	0,07	4,15	4,26	3,63	3,77	H ₁
3	47,03	4,19	3,68	1,14	0,39	0,51	0,15	0,19	0,05	0,07	4,14	4,24	3,61	3,75	H ₁
4	44,54	4,19	3,69	1,13	0,39	0,51	0,15	0,19	0,05	0,07	4,14	4,24	3,63	3,76	H ₁
5	56,77	4,18	3,65	1,15	0,37	0,54	0,15	0,20	0,05	0,07	4,13	4,23	3,58	3,72	H ₁
6	56,42	4,17	3,63	1,15	0,38	0,52	0,15	0,20	0,05	0,07	4,12	4,22	3,56	3,70	H ₁
7	47,08	4,10	3,61	1,14	0,40	0,51	0,16	0,20	0,05	0,07	4,05	4,16	3,54	3,68	H ₁
8	47,06	4,11	3,62	1,14	0,38	0,48	0,15	0,19	0,05	0,06	4,06	4,16	3,55	3,68	H ₁
9	53,22	4,12	3,60	1,15	0,38	0,49	0,15	0,19	0,05	0,06	4,07	4,17	3,53	3,66	H ₁
10	46,20	4,14	3,64	1,14	0,39	0,50	0,15	0,19	0,05	0,07	4,08	4,19	3,58	3,71	H ₁
жа ми	48,62	4,16	3,65	1,14	0,39	0,51	0,15	0,20	0,05	0,07	4,11	4,21	3,58	3,72	H ₁

Барча мезонларда $\chi^2_{\text{қузатув}} > \chi^2_{\text{критик}}$ бўлгани учун тажриба гуруҳларининг ўзлаштириши назорат гуруҳларига нисбатан сезиларли даражада ошиб, уларнинг самарадорлик кўрсаткичи 1,13-1,15 баробарга юқори, ўртача 14% га ошганлиги ҳамда ишонч интерваллари бир-бири билан устма-уст тушмаганлиги, яъни самарадорликнинг ҳаққонийлиги статистик усуллар билан исботланди. Ушбу босқичда ўтказилган тажриба-синов ишларидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ва самарадорлик кўрсаткичларини барча саволларнинг умумлашган жавоб натижаларига кўра диаграммасини келтирамиз (ўзлаштириш кўрсаткичлари фоиз ҳисобида, 2-расм):



2-расм. Самарадорлик кўрсаткичлари

Ҳисоб жадвали ва статистик қийматнинг критик қийматдан катталиги, ишонч оралиқларининг бир-бири билан устма-уст тушмаслиги, ўртача ўзлаштириш қийматларининг тажриба гуруҳларидаги фарқларнинг мавжудлиги ва самарадорлик кўрсаткичларининг юқорилиги олиб борилган тадқиқотнинг ишончли эканлиги ҳамда талабаларнинг муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожланганлик даражасини асосий кўрсаткичларида самарадорлик 1.13-1.15 баробарга юқорилиги ўртача ҳисобда эса 1.14 баробарга юқорилиги статистик мезонлар ва кўрсаткичлар орқали исботланди.

ХУЛОСА

“Олий таълим муассасалари талабаларида муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Олий таълим муассасалари “Муסיқа таълими” йўналиши талабаларида муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати махсус тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади. Олий таълим муассасалари талабаларида муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш яхлит педагогик жараён бўлиб, мазкур жараёнда уларнинг қизиқишлари, имкониятлари, лаёқатини таълим муассасалари эҳтиёжлари билан уйғунлаштириш талаб қилинди. Олий таълим муассасалари талабаларида муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш жараёнида электрон дидактик воситаларни қўллаш бўйича методик кўрсатмалар такомиллаштирилган.

2. Олий таълим муассасалари “Муסיқа таълими” йўналиши талабаларида муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришда таълим-тарбия ва ижтимоий тажриба уйғунлигини таъминлаш ҳамда электрон таълим ресурсларини амалиётга тадбиқ қилишни талаб этади. Олий таълим муассасалари талабаларида муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг ўзини-ўзи бошқариш, тарбиялаш, мустақил ижодий фаолиятга жалб қилиш, ижобий психологик-педагогик муҳит яратиш, талабанинг имконияти, лаёқати, қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олиш, мулоқотга йўналганлик, фанлараро интеграция, фан ичидаги интеграция, таълимнинг аудитория ва масофавий шакллари интеграцияси каби тамойилларнинг устувор аҳамият касб этиши аниқланган.

3. Олий таълим муассасалари “Муסיқа таълими” йўналиши талабаларида муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг мулоқот вазиятларига мутаносиб оғзаки ва ёзма шаклда жумла қуриш усулларига эгаллик; муסיқий ва ижодий қобилиятларнинг ривожланганлиги; таълим мотивациясининг юқори даражаси; ўзини муносиб баҳолаш каби мезонлар такомиллаштирилган.

4. Олий таълим муассасалари “Муסיқа таълими” йўналиши талабаларида муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришда муסיқа фани ўқув дастурида белгиланган мавзуларни инновацион таълим технологиялари асосида

лойиҳалаш ва ташкил қилиш ҳамда талабаларнинг шахсий ташаббус ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда тарбиялаш, муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришга имкон берувчи амалий вазифаларни ва маълумотларни муваффақиятли ўзлаштиришга қаратилган махсус машқларни бажариш амалий кўникмаларини ҳосил қилиш талабаларнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқаради ва олий таълим муассасалари талабаларида муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш таъминланган.

5. Амалга оширилган тажриба-синов натижаларини математик-статистик методлар ёрдамида қайта ишлаш инновацион таълим шароитида олий таълим муассасалари “Муסיқа таълими” йўналиши талабаларида муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш бўйича мультимедиа иловали инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялар асосида яратилган методик қўлланмалар, дарс ишланмалари, методик ва амалий кўрсатмалар талабалар муסיқий-ижодий қобилиятларини сезиларли даражада ривожланишига олиб келгани аниқланган.

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ПОД ПРЕДСТАВЛЕНИЕМ СТЕПЕНЕЙ НАУЧНОГО
СОВЕТА ПОД НОМЕРОМ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КАВИЛОВА ДИЛЁРАХОН АБДУЖАББОР КИЗИ

**РАЗВИТИЕ МУЗЫКАЛЬНО-ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ
У СТУДЕНТОВ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ**

13.00.01 - Теория педагогики. История педагогических учений

**Автореферат (PhD)диссертации доктора философских наук
по педагогическим наукам**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.PhD/Ped2070.

Докторская диссертация защищена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.tdpu.uz) и на информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хакимова Мухаббат Файзиевна**
доктор педагогических наук, профессор


Киямов Нишон Садиқович
доктор педагогических наук

Ведущая организация **Гулистанский государственный университет**

Защита диссертации состоится "___" _____ 2022 года в ___ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27). Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №___). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом № 27). Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51.

Автореферат диссертации разослан "___" _____ 2022 года.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2022 года).

**М.Э.Хайдаров**
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

Р.Г.Исянов
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

Н.А.Муслимов
Председатель Научного семинара
по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировой системе образования в образовательном процессе применяются креативные технологии развития творческих способностей студентов, музыкального воспитания подрастающего поколения. В частности, осуществляется внедрение метода “Мартено” в систему музыкального образования Франции, метода “Тоник-соль-фа” в Венгрии, метода “Educazione musicale” в Италии, Международным обществом современной музыки (ISCM) - обмен опытом, представление новых произведений композиторов, педагогов-практиков, музыкантов, развитие музыкальных и творческих способностей и их применение на практике³.

В образовательных и научно-исследовательских учреждениях всего мира проводятся научные исследования по изучению теоретического мировоззрения эпох импрессионизма, неоклассицизма, развитию музыкально-творческих способностей студентов, созданию и художественному мастерству исполнения музыкальных произведений, служащих возвышению человека. В преподавании теории “Ялси” в Германии, теории “Тоник-соль-фа” в Венгрии, теории “Релятив” в Англии, теории “Музыка” в России особое внимание уделяется научным исследованиям развития музыкально-творческих способностей студентов на основе творческого отражения искусства.

В последние годы в нашей республике в целях повышения качества подготовки кадров, внедрения необходимых условий, учебных программ и учебно-методических материалов для подготовки специалистов в области музыки на основе международных стандартов, проведения республиканского конкурса песен “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик”, “Ботир Зокиров номидаги замонавий эстрада”, “Ёш мақомчилар”, “Ёшлар овози”, “Ёш ижрочилар”, “Санъатим сенга, обод юртим!”, конкурса-фестиваля “Халқ чолғулари ижрочилари”, “Болалар кўшиқлари”, республиканского конкурса фестиваля молодых оперных исполнителей “Ёшлик баҳори”, “Хорового фестиваля” создаются нормативные основы, материально-техническая база для проведения их на республиканском уровне. “Приоритетными задачами определены реализация целевых программ по развитию и модернизации социальной сферы, развитие сферы образования, культуры, науки, литературы, искусства и спорта, совершенствование государственной молодежной политики”. В результате повышения интереса молодежи к музыкальному искусству расширяются возможности проведения как в онлайн, так и в онлайн режиме республиканских и международных конкурсов “Шарқ тароналари”, “Международный фестиваль камерной и симфонической музыки”, “Наврў садолари”, “Международный джазовый фестиваль”, “Open Asia”, “Тошкент баҳори”, “Бойсун баҳори”, “Баҳор нафаси”, “Дунё садолари”, “Нурли наволар”, “Халқаро бахшичилик санъати”.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан

³ ISCM (International Society for Contemporary Music). Stifgasse 29, 1070 Vienna., Austria. info@iscm.org.

№УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-2909 “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования” от 20 апреля 2017 года, №ПП-3775 “О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах” от 5 июня 2018 года, №ПП-4038 “О Концепции дальнейшего развития национальной культуры в Республике Узбекистан” от 28 ноября 2018 года, “О мерах по пять важных инициатив по значимой организации” от 20 марта 2019 года, №ПП-64 “О мерах по дальнейшему развитию искусства оперы и балета” от 27 декабря 2021 года, №ПП-112 “О дополнительных мерах по дальнейшему развитию сферы культуры и искусства” от 2 февраля 2022 года, Указе Президента Республики Узбекистан №УП-6000 “О мерах по дальнейшему повышению роли и влияния сферы культуры и искусства в жизни общества” от 26 мая 2020 года и других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники Республики. Диссертационное исследование проводится в рамках приоритетного направления развития науки и техники Республики 1. “Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства”.

